



Туркистон генерал губернатури фон Кауфман 1869 йили Ислом оламида нихоятда мўътабар бўлган Мусхафи Усмонни Русия импературига «тортик» килиб юборади ва ўгрилигини оклаш учун Русия маориф нозирига юборган мактубида уялмай-нетмай куйидагиларни ёзади: «Бу Куръон Хожа Ахрор масжидида бўлгани билан унинг мулки эмас, балки Бухоро амирининг хазинасига мансуб. Масжиднинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам унга заруратлари йўқ... Хеч ким бу Куръонни ўқий олмайди, шунинг учун неча асрлардан буён ўқилмай ва тиловат қилинмай ётибди. Шундан сўнг генерал Абрамов бу Куръонни олиб, масжид фойдаси учун юз рубл (!) берди. Самарканд уламулари бунга кўп хурсанд бўлдилар. Ёзилиш тарихи жихатидан катта жахоншумул аҳмиятга молик бўлса керак, деган ниятда ушбу Куръонни шошилиш равишда юборяпман».

(Шайх Исмоил Махдум, «Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи», Тошкент, 1995 йил).